



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 30 март, № 62 (7020)

Жума

Сайтимизга Ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан маълумки, аждодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо қадрият ва анъаналардан ҳисобланади. Мазкур қадриятларимизни изчил давом эттирган ҳолда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини барча ҳудудларда амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хар ким ўзи яшайдиган уй, маҳалла ва қишлоқни ободонлаштиришда ҳиссасини қўша, юртимиз обод бўлади, обод юртва яшайдиган одамлар кайфияти яхши бўлиши таъминланади.

Шу билан биргаликда, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланishiга қарамасдан, улар учун зарур шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмаган. Жумладан, сўнгги йилларда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳиссаси юқори бўлган деҳқон-фермерларнинг ва бошқа тоифадаги аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжлари тўлиқ таъминланмаган.

Бундай ҳолат қишлоқ аҳоли пунктларини тубдан қайта янгиламасдан ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантирмасдан, мамлакатимизни замонавий ривожланган давлатга айлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, ҳудудларга ташрифлар жараёнида жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишиш, бевосита маҳалла ва хонадонларга кириб бориш ҳамда аҳоли билан мулоқот натижалари қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, маҳаллий ҳокимликлар, “Давархитектурилиш” қўмитасининг ҳудудий органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига амал қилмаган ҳолда, бино-иншоотлар ва уй-жойларни тартибсиз ва ўзбошимчилик билан қуриш ҳолатларига чек қўйилмапти. Қурилиш ишларининг қишлоқ ва маҳалла даражасида комплекс ёндашувлар асосида олиб борилмаслиги оқибатида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси эскича кўринишда қолмоқда.

Иккинчидан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилиги, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг қўйи тизим корхоналари томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари, трансформатор пунктларини эксплуатация қилиш қоникарсиз аҳволда олиб борилиши оқибатида зарур инфратузилмалар эскирган ва яроқсиз аҳволга келиб қолган.

Учинчидан, шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилмаганлиги оқибатида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, хусусан, мазкур ҳудудларда автомобиль йўллари ва йўлбўйи инфратузилмаси барпо этиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация тизимларини барпо этиш тартибсиз равишда олиб боришмоқда.

Тўртинчидан, маҳаллий бюджетлар ва тармоқ ташкилотлари томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини комплекс тарзда амалга ошириш учун молиялаштириш тизими йўлга қўйилмаган.

Бешинчидан, энг ачинарлиси шунки, аҳолининг айрим қисмлари шу аҳволга қўнқикан, боқимандалик кайфиятига берилиб кетганлиги оқибатида ўзининг уй-жойлари, ҳовлиси ва томорқасини сақлашга эътибор қаратмай қўйган. Халқимизнинг “Қуш иницида кўрганини қилади”, деган нақлини эсдан чиқариб, ўз оstonасини оsoйишта ва саранжом қилмаслик фарзандларимиз ва невараларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олтинчидан, ободонлаштириш ишларига фаоллар, кенг жамоатчилик ва фуқароларни жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмапти ва аник бир тизимли самарали ишлар олиб борилмапти. Айниқса, мазкур ишлар сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари ва Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўғинлари эътиборидан четда қолган ва бу борада қатъий ташаббускорлик ва мувофиқлаштириш етишмапти.

Еттинчидан, ҳудудларда аънавий бўлиб қолган ҳашарларни фақатгина “хўжакўрсин” учун байрам кўнларига яқин саналарда юзаки ўтказиш одат тусига кирган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида, авваламбор, олис ва табиий иқлим шароити огир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштиришга ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратишга қаратилган “Обод қишлоқ” дастури (кейинги ўринларда дастур деб аталади) амалга оширилади.

2. Қуйидагилар дастурнинг устувор мақсадлари ва харажатларнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Биринчидан, республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига аҳолини ишончли тарзда ичимлик суви билан таъминлаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган йўлларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, лизинг асосида қишлоқ ва туман маркази орасида автобус қатновини йўлга қўйиш;

(Давоми 2-бетда).



Дунё нигоҳи

«АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИГА УМИД ПАЙДО БЎЛДИ»

Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуидаги Тошкент конференцияси дунё масс-медиа майдонида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

The Atlantic

Хусусан, **АҚШнинг энг кўҳна ва таниқли журналларидан бири — “The Atlantic”** (1857 йили Бостонда ташкил қилинган) чоп этган мақолада “Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига умид пайдо бўлди”, дейилади.

“Бундан қарийб бир ой муқаддам, — дея ёзилади нашрда, — Президент Мухаммад Ашраф Ғани “Толибон” ҳаракати билан ҳеч қандай шартларсиз тўғридан-тўғри музокаралар бошлаш таклифи билан чиққан эди. 27 март куни Тошкентда йигирмадан ортиқ мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш йўлларини муҳокама қилдилар. Бўлиб ўтган учрашувлар жараёни ва яқини кўйлаб қўзғатувчиларга мамлакатда тинчликка эришиш истиқболига умид билан қарашга имкон бермоқда”.

Ўз навбатида, **“World Affairs Journal” таҳлилий портали (АҚШ)**да келтирилишича, Ўзбе-

WORLD AFFAIRS

A JOURNAL OF IDEAS AND DEBATE

кистон Президентининг Афғонистондаги ихтилоф унинг халқига четдан тиқштирилгани ҳақидаги сўзлари низоҳиятда муҳимдир. Веб-сайт журналистлари ўтган йиллар мобайнида юз минглаб бегуноҳ инсонлар уруш қурбони бўлиб, миллионлаб одамлар ўз уйларини ташлаб, қочоққа айланганини қайд этади. Мақола муаллифлари Ўзбекистон раҳбарининг халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб

бўлмаслиги хусусидаги фикрининг ғоят долзарблигига аҳамият қаратишган.

Хитойнинг “Синьхуа” янгиликлар агентлиги ҳам Марказий



Осиёдаги тинчлик ҳамда осойишталик Афғонистондаги вазият би-

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

МУЗОКАРАЛАР УЧУН ЯНГИ ПЛАТФОРМА

Пойтахтимизда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси юксак савияда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида Афғонистон Ислом Республикаси билан биргаликда ташкил этилган ушбу анжуманда давримизнинг энг ўткир минтақавий ҳамда глобал муаммоларидан бири — Афғонистондаги қарама-қаршиликларга барҳам бериш, бу борада томонлар ҳеч қандай шартларсиз музокараларга киришиши масалалари муҳокама қилинди. Форум яқини бўйича мавжуд вазиятни ўнглаш йўлларини татбиқ этишга қаратилган, прагматик руҳдаги Тошкент декларацияси имзоланди.

Айни пайтда жаҳоннинг таниқли экспертлари билан бир қаторда, мамлакатимизнинг сиёсий доиралари вакиллари, таҳлилчилар мазкур анжуманнинг аҳамияти, Тошкент декларациясидан кутилаётган натижалар ҳақида сўз юритишмоқда.

5»»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада ишлаб қиқаришни кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мева-сабзавотчиликни интенсиф ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қувватлар ишга туширилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларидаги юқори даражадаги рақобат агро-техниканинг ҳамда ишлаб қиқариш маҳсулот етказиб бериш жараёналарини боқаришининг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Бироқ қатор салбий омиллар мамлакатимиз қатъи рақобатли маҳсулотларини ҳақиқатдан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантиришга тўсқинлик қил-

моқда. Улар жумласига қуйидагилар киради:

биринчидан, мева-сабзавот маҳсулотли ишлаб қиқарувчилар ва тайёрловчилари ўртасида мева-сабзавот экинлари бозорида харидоргир экинлар ва уларнинг навларини жойлаштириш масалаларида ўзаро ҳамкорликнинг бозор механизмларида тўлиқ фойдаланмаслиги;

иккинчидан, тузилган шартномаларни ўз вақтида, сифатли, тўлиқ ёки мутлақо бажармаслики каби ҳаракатларда намоён бўлувчи кичик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб қиқарувчилари томонидан шартнома интизомига риоя қилиш даражасининг пастлиги;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги меҳнатини механизациялаштириш, замонавий интенсиф, аввало, сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, уларни сақлаш ва транспортровка қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб қиқарувчиларининг мустақил равишда ташқи бозорга қиқизи учун молия ресурсларини жамғариш учун қулай имкониятларнинг йўқлиги;

ЎЗБЕКИСТОН — КИРГИЗИСТОН:

ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Бош вазирлари раислигида икки давлат чегарадош вилоятлари раҳбарлари кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ва Қирғизистон Республикаси Бош вазири С. Исаков мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари, дўстлик, яхши қўшнилик ҳамда ўзаро ишончга асосланган ҳамкорликни

ривожлантириш ва мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатида, аввало, қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга

устувор аҳамият қаратмоқда. Кейинги пайтда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашаётгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, Қирғизистон Республикаси билан ҳамкорлик янги мазмун билан бойиб бормоқда. Парламентлар, турли вазирлик ва идоралар, ҳудудлар ўртасида алоқалар тобора кенгаймоқда.

(Давоми 5-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



2018 йилнинг 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ишни янги таҳрирдаги “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, давлат мукофотлари рағбатлантиришининг олий шаклидир. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мукофотланиши мумкин. Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл давлатларининг мукофотлари билан ҳам тақдирланиши мумкинлиги белгиланган бўлиб қўйилган.

Қонунда давлат мукофотларининг турлари белгиланган, “Ўзбекис-

тон Қаҳрамони” унвони, Ўзбекистон Республикасининг 34 та фахрий унвони, 11 орден, 4 та медал ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи шулар жумласидан. Давлат мукофотларига тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилган. Янги қонунга мувофиқ, бундан буён мукофотга тақдим этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Судьялар олий кенгаши, Марказий банк, Давлат хавфсизлик хизмати, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси раислари, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, республиканинг бошқа муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари республика органларининг раҳбарлари эга бўлади.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

иккинчидан, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш ва таъмирлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария иншоотлари ва ирригация тизимларини барпо этиш, транспорт тўхташ бекатларини қуриш;

учинчидан, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига электр таъминотини яхшилаш, алёқа тизимини модернизация қилиш, аҳолига суьлотирилган газ ва кўмир ёқилгисини узлуксиз етказиб бериш;

тўртинчидан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни тубдан яхшилашга эътибор қаратиш, бунда боғча, мактаб ва оилавий поликлиникаларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда тегишли харажатларнинг ярмини республика бюджети ва мақсадли жамғармалар ҳамда қолган қисмини маҳаллий бюджет ва маҳаллий ҳомиёлар ҳисобидан молиялаштириш;

бешинчидан, бозор инфратузилмаси объектларини ва сервис шохобчаларини, жумладан, ҳаммом ва кичик бозор шохобчаларини тадбиркорларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан барпо этиш;

олтинчидан, уй-жойларни таъмирлашда хонадон эгаларига амалий ёрдам кўрсатиш, авваламбор, қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш, бу жараёнда кенг миқёсда хашар усулларини қўллаш ҳисобига ҳовли ва атроф ҳудудларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш, оқова сув хандакларини барпо этиш ҳамда муҳтож оилалар учун ҳомиёлар ва иш берувчи корхоналар маблағлари ҳисобидан уй қуриб бериш (таъмирлаш) ва бошқалар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида “Обод қишлоқ” жамғармалари тузилсин.

Иқтисодиёт вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда “Обод қишлоқ” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Қуйидагилар “Обод қишлоқ” дастурида белгиланган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: республика бюджети ва мақсадли жамғармалар маблағлари;

маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча маблағлари;

тармоқ корхоналарининг маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг грант маблағлари;

“Маҳалла” жамғармасининг ва бошқа ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари;

ташаббускор тадбиркорлар маблағлари;

хашарлар ва хайрия тадбирларини ўтказиш ҳисобидан тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳар йиллик Давлат бюджети, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар параметрларини тасдиқлашда “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Бунда, дастур доирасида “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбектелеком” АҚ, Республика йўл жамғармаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг, ташкилот ва корхоналар ўз маблағларининг тегишли мақсадлар учун тўғридан-тўғри молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармон билан “Обод қишлоқ” дастурининг белгилаб берилган асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, барча ташкилий чора-тадбирлар изчиллиги, лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, моддий ресурслар таъминоти билан узвий ва чамбарчас боғланган 2018 йил учун чора-тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида марказлашган манбалар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ишлар бўйича бюуртмачи этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг “Ягона бюуртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари белгилансин.

Барча объектлар бўйича бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни энг мақбул таклифлар танлови орқали аниқлашга рухсат берилсин.

Мазкур танловларни ташкил этиш, жараёнларни назорат қилиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик “Давархитектурулиш” қўмитаси раиси Б. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИНИНГ 2018 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

“Обод қишлоқ” дастурининг 2018 йил учун мўлжалланган мақсадли параметрлари ҳамда дастур доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ; “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг молиявий кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ишлаб чиқариш корхоналарига табиий газ ва электр энергисини аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб бериш преференциялари татбиқ этиладиган асосий турдаги қурилиш материаллари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган махсус штабларнинг намунавий таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) 6-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

дастурда иштирок этётган вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, юзага келган муаммолни масалаларни ҳал этиш;

қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича белгиланган параметрлар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

келгуси йиллар учун “Обод қишлоқ” дастурини тайёрлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантириш ва дастур параметрларини ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар — бюуртмачиларнинг таклифлари асосида тасдиқланган дастурнинг тегишли параметрларига қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш, шунингдек, бажариладиган иш турлари ва ҳажмлари ҳамда молиялаштириш манбаларига келишилган ҳолда аниқлик киритиш.

Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти Республика комиссиясининг Ишчи органи этиб белгилансин ҳамда унга келгуси йиллар учун “Обод қишлоқ”

дастурини ишлаб чиқиш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантириш ва дастур параметрларини ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси (А. Ж. Раматов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиқиб, ўн кун муддатда маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирлик (идора)лар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган туман ва қишлоқлар кесимидаги манзилли рўйхатларни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда келгуси йил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш дастури параметрларини шакллантиришда “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2019 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун зарур марказлашган капитал қўйилмалар лимитини кўзда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик коммуникациялари қурилишга халқаро молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилиш учун лойиҳанинг молиявий-иқтисодий ҳисоботини (лойиҳаолди ҳужжатини) ўн беш кун муддатда тайёрлаб, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмуродов вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ҳисоботлари (лойиҳаолди ҳўжжатлари) асосида “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкуматлар молиялаштирувчи ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ва грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимликлари бир ой муддатда тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган ҳар бир туман (шаҳар) ва қишлоқ бўйича махсус штабларни шакллантириб, уларнинг фаолиятини йўлга қўйсин, шунингдек, ҳар бир объект кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин ва мониторинг натижаларини ҳар ой якуни билан Республика комиссиясига тақдим этиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзурилишматериаллари” АЖ, бошқа

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари дастурни амалга ошириш доирасида қамраб олинадиган жорий ва келгуси даврларга мўлжалланган қишлоқ ва маҳаллаларнинг манзилли рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун қуйидаги қатъий шартлар асосида шакллантиришни таъминласинлар:

ҳар бир қишлоқ кесимида туман (шаҳар) ҳудудий ташкилотлари билан биргаликда мўлжалланаётган кенг қўламли ишларни ташкил этиш ва бошқариш юзасидан тезкор махсус штабларни жорий этиш, шу жумладан, ишларни хашар ва ҳўжалик усулида бажаришни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, молиялаштириладиган қисми бўйича мавжуд барча имкониятларни жалб этиш, шу жумладан, солиқ йигилувчанлигини ва қўшимча аниқланадиган манбалардан маҳаллий бюджет даромадини ошириш;

архитектура, санитария ва техник талаблар асосида шахсий мулк эгалари ўз уй-жойини сақлаш, мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш, ер ва мол-мулк солиқларини ҳамда кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш ва қарздорликка йўл қўймаслик, хашарларда фуқароларнинг бевосита шахсий иштирокини акс эттирувчи жамоа шартномаларини тузиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси ва “Давархитектурулиш” қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси уй-жой, бино-иншоотлар ва томорқа ҳўжаликлари мулкдорлари томонидан амалдаги талаб ва қоидалар бузиллиши ва уларга риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида мувофиқ тегишли чоралар кўрсинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, “Обод қишлоқ” дастурига киритилган объектларни сифатли ва арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида метали прокати, цемент, норуда материаллари, гишт, темир-бетон маҳсулотлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёқ, шифер ва шу каби бошқа асосий турдаги маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун корхоналарга газ ва электр энергияси 2018 йил 1 майдан бошлаб “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзурилишматериаллари” АЖ, бошқа

тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда цемент, металл прокати, гишт, темир-бетон буюмлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёқ маҳсулотлари каби асосий турдаги маҳаллий қурилиш материаллари ва жиҳозларини етказиб бериш учун фирма дўконлари тармоқларини ташкил этиш чораларини кўрсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тегишли лойиҳа институтлари билан биргаликда:

“Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини батафсил режалаштириш лойиҳалари билан биргаликда олдиндан ишлаб чиқишни;

2019 йил 1 январга қадар қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфасини яхшилаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига ўзгатиришлар киритиш, зарур ҳолларда янги стандарт ва мезонларни ишлаб чиқишни;

ҳар бир объект бўйича лойиҳа-смета ҳўжжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктлари бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлигига барча турдаги оммавий ахборот воситалари билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларида, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини батафсил ёритиб бориш ва кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилиш тавсия этилсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 март	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 март	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 март	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ВА «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИНИ 2018 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Энг аввало, республикамиз аҳолисининг салкам ярми қишлоқ ҳудудларда яшаб келаетганлиги ҳамда уларнинг фидокорона меҳнати, деҳқон, фермер, чорвадор ва миришкорларнинг сайй-ҳаракатлари натижасида дастурхонимиз мўл-кўл бўлаётгани “Обод қишлоқ” дастурининг қабул қилинишида **асосий омил бўлганлигини** тасдиқлаб ўтиш зарур.

Сўнгги йилларда вилоят ва туманлар марказларида ободонлаштириш ва марказий қўчаларнинг меъморий қиёфасини янгилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилаётгани, хусусан, 2017 йилда қишлоқ жойларда18 мингдан ортиқ оилалар учун

ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасига эга шинам уйлар барпо этилгани шулар жумласидан.

Аммо таширфлар давомида олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолидан келиб тушаётган ҳаққоний эътирозлар ва муурожаатлар шундан далолат берадики, аҳолининг уй-жой ва маиший шароитларини яратиш борасида айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида уй-жой фонди йиллар давомида таъмирланмасдан, том қисмлари ва ташқи қиёфаси мутлақо талабга жавоб бермайдиган аҳволга келиб қолган.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларида электр тармоқлари ва трансформаторлардаги

авариялар электр таъминоти тармоқларида қўплаб узилишларни келтириб чиқармоқда, шунингдек, суьлотирилган газ баллонларининг етишмаслиги кузатилмоқда.

Кейинги долзарб муаммолардан бири шуки, ҳудудларда автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари сифатсиз олиб борилмақда, ичимлик суви қувурлари ва иншоотлари яроқсиз аҳволга келиб қолган ҳамда оқова иншоотлари санитария талабларига жавоб бермайди.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, аҳолининг айрим қисми шундай аҳволга қўниккани, боқимандалик кайфиятига берилгани натижасида ўзининг уй-жойи, ҳовлиси ва томорқасини сақлашга эътибор қаратмай қўйган.

Мазкур ишлар сектор раҳбарлари, маҳалла

фуқаролар ййинлари, хотин-қизлар қўмиталари ва Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўғинлари эътиборидан четда қолгани юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларнинг асосини ташкил этади.

Шу билан бирга, жойлардаги фаоллар ташаббуси билан эмас, балки ҳудудларда аънавий бўлиб қолган хашарларни фақатгина “ҳўжақўрсин” учун байрам қунларига яқин саналарда юзакни ўтказиш одатга айланиб қолмоқда.

Албатта, бундай ҳолатлар ҳеч кимни, айниқса, мазкур ҳудудларда яшаётган аҳолининг барча қатламларини қониктирмайди. Ушбу вазиятни тубдан ўзгатириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида

қуйидагилар ишлаб чиқилган дастурнинг **асосий макссадлари** этиб белгиланган.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарида, аввало, олис ва табиий иклим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқда (маҳаллада) аҳолининг яшаш шароитларини босқичма-босқич тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга, мазкур қишлоқларнинг (маҳаллаларнинг) қиёфасини замонавийлаштиришга ва қишлоқ аҳолиси учун иш жойларини яратишга қаратилган “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилади.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ВА «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИНИ 2018 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

2018 йилда мамлакатимизнинг 174 та туманидаги 368 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини комплекс равишда янгилаш чора-тадбирлари қабул қилинган дастурнинг устувор мақсадлари сифатида белгиланган.

Дастурда, айниқса, 127143 та уй-жойни таъмирлаш, уларнинг томини, ташқи кўриниши, ён-атрофини ободонлаштириш ишлари алоҳида ўрин эгаллаган.

Дастур доирасида 1535 километр тоза ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган ҳамда қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш ва таъмирлаш учун жами 2083 километр йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, лизинг асосида 571 замонавий автобус харид қилиниб, қишлоқ ва туман маркази орасида транспорт қатновини йўлга қўйиш ва ушбу йўналишларда 252 та бекат барпо этиш назарда тутилган.

Халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1847 километр электр таъминоти тармоқларини яхшилаш, аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш учун 44868 та газ баллони етказиб бериш ҳамда алоқа тизимини модернизация қилиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Маълумки, ижтимоий аҳамиятга эга хизматларни тубдан яхшилаш давлатнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, болалар богчаси, мактаб, оилавий поликлиникалар ва шу каби бошқа жами 736 та ижтимоий соҳа объектини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, лаборатория ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Албатта, жойларда бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис шохобчаларини, жумладан, ҳаммом ва кичик бозор шохобчаларини тадбиркорлик асосида бунёд этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дастурни амалга ошириш **вазифаларига** тўхталадиган бўлсак, бу борада маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида “Обод қишлоқ” мақсадли жамғармалари тузилади. Бюджет, тармоқ корхоналарининг, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг грантлари, ташаббускор тадбиркорлар маблағлари, ҳашарлар ва хайрия тадбирларини ўтказиш ҳисобидан тушадиган маблағларни ушбу жамғармалар манбалари сифатида белгилаш кўзда тутилмоқда.

Биргина жорий йилда дастур доирасида назарда тутилган ишларга барча манбалар ҳисобидан 3 триллион 40 миллиард сўмликдан зиёд маблағлар ишончли ва мунтазам равишда йўналтирилади.

Дастурда ўз аксини тонган йўналишларни амалга ошириш юзасидан тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларининг мезморий ва техник ечимлари асосида пухта ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида 190 га яқин тажрибали ва малакали лойиҳа институтлари жалб қилинади.

Ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш учун салоҳиятли пудрат ташкилотларини аниқлаш билан боғлиқ танловларни оқилона ташкил этиш, уларни ўтказиш жараёнини назоратла олиш ва бу борада самарадорликка эришишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжатда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг масъуллиги қатъий белгिलाб қўйилган.

Зарур моддий-техника ресурсларини жамлаш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан цемент, металл прокати, ғишт, томёнкй маҳсулотлари, темир-бетон буюмлари, эшик, дераза ромлари, лок-бўёқ каби асосий турдаги маҳаллий қурилиш материаллари ва жиҳозларини етказиб бериш учун ҳар бир аҳоли пунктида фирма дўконларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Уй-жойларни таъмирлашда хонадон эгаларига амалий ёрдам кўрсатиш, авваламбор, уларни арзон ва сифатли қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш, ишлаб чиқарувчилар учун электр энергияси ва газ етказиб беришда преференциялар назарда тутилган.

Дастурни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни оқилона ташкил этиш юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат таркибда доимий равишда фаолият кўрсатадиган Республика комиссияси ташкил этилган.

Хар бир қишлоқ кесимида туман (шаҳар) ҳудудий ташкилотлари билан биргаликда мўлжалланаётган кенг кўламли ишларни ташкил этиш ва боқариш юзасидан тумандаги сектор раҳбарлари бошчилигида махсус штабларни жорий этиш, жумладан, ушбу штабларга ишларни ҳашар ва ҳўжалик усулида бажаришни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, молиялаштириладиган ишлар бўйича мавжуд барча имкониятларни жалб этиш, хусусан, солиқ йиғилувчанлигини ошириш ва қўшимча аниқланадиган манбалардан маҳаллий бюджет даромадини кўпайтириш каби вазифалар юкланган.

Қайд этилган тизимларга архитекторлар, санитария ва техник талаблар асосида шахсий мулк эгалари ўз уй-жойини сақлаш, мавжуд томорқалардан умумли фойдаланиш, ер ва мол-мулк соликлари ҳамда кўрсатилган коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва қарздорликка йўл қўймаслик, ҳашарларда фуқароларнинг бевосита шахсий иштирокини акс эттирувчи жамоа шартномаларини тузиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, “Давергеодезадстр” қўмитаси ва “Давархитектқурилиш” қўмитаси қошидаги Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси уй-жой, бино-иншоотлар ва томорқа ҳўжаликлари мулкдорлари томонидан амалдаги талаб ва қоидаларни бузиш ва риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ тегишли чоралар кўриши белгиланган.

Мазкур дастурнинг қабул қилиниши ва ҳаётга ичкил татбиқ этилиши маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, бу борадаги кадриятларимизни изчил давом эттирган ҳолда, барча ҳудудларда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини бажариш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада оқсатириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

еттинчидан, турли экинлар агротехнологияларининг долзарб масалалари ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг йўқлиги, илмий институтлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг паст даражаси.

Мева-сабзавотчиликни жадал ва самарали ривожлантиришни таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқариш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари соҳасида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида кластер усулини яратишни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба йўлга қўйилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари жорий қишлоқ ҳўжалиги ййлидан бошлаб:

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараёнини мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар турухи доирасида;

қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ ҳўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материали, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни қелишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида кафолатланган шартномалар асосида «уруғ-кўчат-маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспортировка қилиш-бозорга етказиш» тамойили бўйича узлуқсиз занжирни шакллантиришни кўзда тутувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишининг кластер усулини (кейинги ўринларда мева-сабзавот кластерлари деб юритилади) кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари З. Т. Мирзаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари тегишли тартибда қитигдан бўшган ерларда қишлоқ ҳўжалиги экинларини екишда:

логистика марказлари (мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, бирламалы ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ ҳўжалиги техникаси), шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тажрибасига эга;

замонавий иссиқхона ҳўжаликлари ва интенсив боғлар яратиш ва улардан фойдаланиш тажрибасига эга;

қўшимча қийматлар занжири бўйича кластер усулида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шахсий ва жалб қилинган молиявий маблағларига эга;

мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан, экспорт қилишни ташкил қилиш, замонавий ресурс ва суви тежовчи технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларини ўз зиммасига оладиган ҳўжалик юритувчи субъектларига (ўзаро боғлиқ корхоналар турухига) биринчи навбатда ердан узок мuddатли иҳара шартларида фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

2018 йилда ҳар бир ҳудудда 1-2 та мева-сабзавот кластерлари ташкил этсин ва 2019 йилдан бошлаб мева-сабзавот етиштиришга иختисослаштирилган барча туманларни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишининг кластер шакилга жалб этсин;

мева-сабзавот кластерларига ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш, шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари билан улар томонидан тайёрланаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқи тақдим этилсин;

мева-сабзавот кластерларига кўчатзорлар, жумладан, логистика марказлари (музлаткич, омбор, қайта ишлаш қувватлари, лаборатория, машина-техника станциялари учун инфратузилма биноларини) ташкил қилиш учун ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарорлар тезкор қабул қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ирригация ва коллектор қурилмаларини тозалашда ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари

С. Р. Холмуродов Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда:

халқаро молия ташкилотлари ва институтлари кредит линияларини, жумладан, мева-сабзавот кластерлари устав капиталига кейинчалик ушбу ҳиссаларни муассислар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан сотиб олиш ҳуқуқи билан жалб этиш;

мева-сабзавот кластерларини, бошқа мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва экспортчиларини экспортлди молиялаштириш учун тижорат банкларида кредит линияларини очиш;

кўчатзорларни ташкил қилиш, мева-сабзавот кластерлари логистика марказлари, иссиқхоналар қуриш ва интенсив боғлар барпо этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳажмини кенгайтириш;

агрономлар ва мева-сабзавот кластерлари, замонавий интенсив боғлар ва иссиқхона ҳўжаликларининг бошқа ходимларини бир йилгача бўлган мuddатга етакчи иختисослаштирилган хорижий компанияларга таълим олиш ва стажировка ўташга юбориш учун грант маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг техник қўмак маблағларини жалб этиш бўйича тақлифлар киритсин.

6. Қуйидагилар 2021 йил 1 январга қадар:

кўчатхоналар ва иссиқхоналарда уруғ, кўчат ва пайвандтаг етиштирувчи ва уларни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига етказиб берувчи ҳўжалик юритувчи субъектлари барча турдаги солиқ ва ййимлар тўлашдан (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно);

четдан олиб қирилаётган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни қимёвий химоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари иловага мувофиқ божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун ййим бундан мустасно);

импорт бўйича олиб қирилаётган, мева-сабзавот маҳсулотларини ташшга иختисослаштирилган транспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари — 870120, 870421, 870422, 871639) божхона тўловлари ва Республика йўл жамғармасига ййимлар тўлашдан озод этилсин.

7. 2018 йилнинг 1 январидан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи ташкилотларга даромадга воситачи ташкилотлар учун кўзда тутилган ставка бўйича солиқ солган ҳолда, мукофот суммасидан ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилнинг 1 апрелидан битта мева-сабзавот кластери ичйда сотиладиган маҳсулотга қўшимча қиймат солиғи солинмайди ва давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ундирилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 2017 йил 5 сентябргача иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш ва музлаткичлар қуриш учун халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан ажратилган валюта кредитлари бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизгача миқдорида компенсация тўлаш тартибини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва сугурта ташкилотлари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва тайёрловчилари ўртасида контрактация шартномаларини сугурталаш механизмини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

10. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва «Ўзагрокимёхимоя» АЖ билан биргаликда, тажриба тарикасида, реал натижалардан ва ҳосилнинг сақланишидан келиб чиқиб ақуний ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши ва мукофот олишини ҳисобга олган ҳолда, фитосанитария таъминотини, ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоялашни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 сентябригача бўлган мuddатда Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар, бегона ўтлар, бактериялар ва вируслардан комплекс химоялаш, фитосанитария назоратини қўнатириш ва республикада мақбул фитосанитария ҳолатини таъминлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги 2018 йил 1 ноябрга қадар барча қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари эркин фойдалана оладиган салоҳиятли хорижий бозорларнинг электрон маълумотлар базасини яратишни таъминласин, бунда мева-сабзавот маҳсулотлари турлари, навлари, асосий истеъмолчилари бўйича

эҳтиёжларнинг тахминий ҳажми, шунингдек, қўйиладиган талаблари бўйича ахборот олиш имконияти кўзда тутилсин.

Белгилансинки, хорижий бозорлар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва савдо ваколатхоналарининг ходимларини жалб қилган ҳолда шакллантирилади ва янгиланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги тегишли илмий-тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда, қурғоқчилик, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли қишлоқ ҳўжалиги экинларининг селекциясини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин.

14. «Ўзбекэнерго» АЖ (У. Мустафаев), «Ўзтрансгаз» АЖ (А. Мустафаев), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилотлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига мева-сабзавот кластерларининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш қувватларини электр энергия ва табиий газ билан уларнинг табиий эҳтиёжларига мувофиқ узлуқсиз таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. С. Отахонов, Ташқи савдо вазирлиги (Ж. Ходжаев) ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (Х. Хасилов) бир ой мuddатда қуйидагилар бўйича тақлифлар киритсин:

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга экспорт контрактлари бажарилишини таъминловчи мuddатларда темир йўл вагонлари, шу жумладан, вагон-рефрижераторлар бериш тартибини мақбуллаштириш ва соддаллаштириш;

шу жумладан, хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда замонавий рефрижераторли контейнерлар ишлаб чиқарилиши, халқаро регистрларда сертификациялаш ва рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш, шунингдек, уларни мева-сабзавот кластерлари, тайёрлов ташкилотлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчиларга, шу жумладан, лизинг орқали сотиш тартибини белгилаш бўйича.

16. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда агротехнологиялар соҳасида юқори малакали, замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйишни таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, мева-сабзавот кластерлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларига кўра жалб этиладиган хорижий мутахассислар учун давлат божини ундирмаган ҳолда кўп мартали визаларни расмийлаштириш, бериш ва узайтириш, шунингдек, яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилиш, ҳисобга қўйиш ва вақтинча пропискани узайтиришни таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, мева-сабзавот кластерлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларига кўра жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун давлат божини ундирмаган ҳолда кўп мартали визаларни расмийлаштириш, бериш ва узайтириш, шунингдек, яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилиш, ҳисобга қўйиш ва вақтинча пропискани узайтиришни таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мева-сабзавот кластерлари буюртмаларига кўра белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига қишлоқ ҳўжалиги бўйича юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун рухсатномалар берилиши, шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шугуллинишга рухсат бериш (узайтириш)ни таъминласин.

20. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

21. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н. С. Отахонов, З. Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 март	

«MADE IN UZBEKISTAN» МИЛЛИЙ САНОАТ КЎРГАЗМАСИ — ЎЗАРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида «Made in Uzbekistan» Миллий саноат кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазманинг очилишида сўнгги йиллар-да Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшни-лик, ўзаро ишонч ва манфаатли алоқаларга асосланган муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани барча соҳада ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга ўтган йил март ойидаги давлат ташрифи, шунинг-дек, икки мамлакат раҳбарларининг мунта-зам мулоқотлари Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтариб, уни сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан бойитди.

Бу жиҳатлар Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий саноат кўргазмаси иш-тирокчиларига йўллаган табригида ҳам ўз ифодасини топди: «Кўп томонлама Туркманистон — Ўзбекис-тон алоқаларининг мустаҳкамланиб бораёт-гани дўстлик ва қардошлик тамойиллари асосида асрлар давомида синовдан ўтган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолатдир».

Минтакавий хавфсизликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигида

алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Туркманистон низоли вазиятларни бар-тараф этиш, яхши қўшниликни мустаҳ-камлаш, ўзаро манфаатларни эътиборга олган ҳолда, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг шаффоқ ва самарали механизмларини яратиш тараф-доридир.

Тинчлик ва хавфсизлик масалаларидан ташқари, мамлакатларимиз муҳим глобал ма-салалар — барқарор тараққиёт, энергетика хавфсизлиги, халқаро транспорт-транзит ало-қалари, экология ва атроф-муҳит муҳофа-засига биргаликда эътибор қаратмоқда. Транспорти соҳаси ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ўзаро интеграциялашган автомобилъ ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Туркманобод — Фароб янги автомобилъ ва темир йўл кўприкларининг ишга тушири-лиши ҳамда юкларнинг темир йўл транзити-да ўзаро чегирмалар тақдим этилиши юк ташош ҳажми ва икки мамлакат транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш ташаббусини мустақил илгари суриш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат мукофотлари билан тақдирлаш Олий Мажлис палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

Қонунда давлат мукофотларидан фойдаланиш тўғрисидаги норма алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, уларни тақиб юриш, планкалардаги ленталарни ва кичкина кўчирма нусхаларини тақиб юриш, давлат мукофотларини сақлаш ва улар таъсиридан фойдаланиш тартиби белгиланган. Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун ҳужжати давлат томонидан рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, ваколатли органларнинг бу соҳадаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган ҳуқуқларининг амалга оширилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунда жамоатчилик назоратининг субъектлари, объекти, унинг асосий тамойиллари белгиланган. Жумладан, жамоатчилик назорати субъектларига фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари киритилган. Жамоатчилик назоратининг объекти сифатида давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти белгиланган.

Жамоатчилик назоратининг давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очик ҳайбат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитувчи, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш каби шакллари ўрнатилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ҳуқуқий ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиши таъминланишининг, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда улар олдида турган вазифалар ва ваколатлар самарали амалга оширилишининг муҳим омилли бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг мақсади ушбу соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларини тартибга солиш ва янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонунда давлат харидларини давлат томонидан тартибга солиш нормалари акс эттирилган, давлат харидлари субъектлари қайд этилган, давлат харидлари жараёнига қўйилган умумий талаблар белгиланган.

Электрон дўкон орқали харид қилиш тартибининг киритилиши муҳим янгилек ҳисобланади. Қонунда электрон дўконнинг ишлаши ва ундан фойдаланиш тартиби келтирилган, шунингдек, харидларни аукцион, танлов ва тендер орқали амалга ошириш, харид комиссияси фаолияти белгиланган. Қонунда товарларни (ишларни, хизматларни) ягона етказиб бериувчидан харид қилиш масалаларини тартибга солувчи нормалар ҳам белгиланган.

Ушбу қонун нормаларига мувофиқ, харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг ўтказиш ҳамда жамоатчилик ва давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, давлат харидларига доир шикоятлар, низо-лар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш механизми белгиланган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати деб юритилади” фаолиятини тартибга солишдан иборат.

Қонунга мувофиқ, Хизмат давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини махсус воситалар, шакллар ва услубларда амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Қонунда Хизмат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига бўлган таъминлашнинг олдини олиш, аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Қурол-Кучлари ва мудофаа-саноат комплексини давлат хавфсизлигига бўладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гийҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, илмий-техник, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий-тарихий ҳамда бой маънавий меросини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш, телекоммуникациялар ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлиги ҳамда давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаш ва фавқулодда вазиятларга шарт-шароит яратувчи омилларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш, текширилиши Хизмат ваколатига киритилган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, терговга бўлган текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирларининг сақланишини, махсус алоқанинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш устидан назорат қилиш, давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартаф этиш, Хизматнинг жанговарлик ва сафарбарлик шайлиги ҳолатини такомиллаштириш ҳамда сақлаб туриш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда ва ҳарбий ҳолат жорий қилинганда куч ва воситаларни ҳаракатларга тайёрлаш Хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ёрдамига таяниш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, яхлитлик, мустақиллик, конспирация Хизмат фаолиятининг асосий принциплари сифатида қайд этилмоқда.

Қонунда Хизмат томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш шартлари ва чегаралари, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби белгиланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Хизмат ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва бевосита унга ҳисобот беради. Шунингдек, Хизмат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам хабардор қилиб боради.

Шу билан бирга, Хизматнинг фаолиятида қонунларнинг аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бозор прокуровори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар янги тахрирдаги “Ўрмон тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг мақсади амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрор кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг махсуддорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Жумладан, атама ва таърифларни бир хилда қўллаш ва турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида “ўрмон”, “ўрмонларни кўпайтириш”, “ўрмонни муҳофаза қилиш”, “ўрмонларни такрорий кўпайтириш”, “ўрмондан фойдаланувчилар”, “ўрмонларни қайта тиклаш” каби тушунчалар киритилмоқда.

Бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда, Ўзбекистон Республикаси

Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари белгилаб берилмоқда.

Ушбу қонунда ўрмонлар муҳофаза қилинишини таъминлаш ва улардан фойдаланишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий механизми мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Хусусан, улар дастур ва тадбирларни амалга ошириш, аҳоли орасида ўрмонлардан оқилона фойдаланиш бўйича тушунириш ишларини ўтказиш, жамоатчилик назоратини рўёбга чиқариш, давлат идораларига бу соҳада кўмак кўрсатишда иштирок этадилар.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бундан ташқари, қонун билан ўрмонни кўриқлашга доир қатор чоралар, жумладан, қондалар, чеклов ҳамда тақиқлар, ўрмонга зарарли таъсир кўрсатилишининг ёки унинг йўқ қилиб юборилишининг олдини олишга қаратилган қондалар жорий этилмоқда.

Қонун билан ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидалари айна-комиллаштирилган. Жумладан, дархат ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш, ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балчилик ҳўжаликлари эҳтиёжлари учун фойдаланиш, экологик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш каби ўрмондан фойдаланишнинг янги турлари киритилмоқда.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ўрмонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига нисбатан чекловлар ёки тақиқлар белгилаш мумкин.

Ўрмонларнинг дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектилари соҳиллари бўйлаб ўтган таққиланган минтақаларида, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонларда, алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонларда, ёнғоқзор ўрмон зоналарида, давлат кўриқхоналарининг ўрмонларида, шунингдек, белгиланган режимга мувофиқ табиат боғларининг, буортма кўриқхоналарининг, курорт табиий ҳудудларининг, давлат биосфера резерватларининг, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг ўрмонларида чорва молларини ўтлатишга йўл қўйилмайди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши давлат ўрмон фондини, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўриқлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг қонунчилик асосини мустаҳкамлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмати соҳаси ҳодимлари кўни белгиланган тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Коммунал соҳа барқарор ва сифатли фаолият кўрсатиши муҳимлиги, унинг такомиллаштирилиши, шунингдек, коммунал хизматлар ҳодимлари меҳнатини муносиб баҳолаш муҳимлиги қайд этилди. Хозирги вақтда республикада ушбу соҳада 157 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, виждонан қилинадиган меҳнатни рағбатлантириш мақсадида қонун билан 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмати соҳаси ҳодимлари кўни этиб белгиланмоқда. Сенаторларнинг фикрича, бу коммунал хизматлар сифати ва самарадорли-

гини янада оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини қучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун киритилди. Қонун илгор хорих тақрибларини ҳисобга олган ҳолда, суд-тергов фаолиятида фуқа-

кстон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Мазкур қонунда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацияни ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш назарда тутилмоқда.

Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар журналистик фаолиятининг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга, журналистларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган.

Қонун билан моддий маданий мерос объектларини кўриқлаш ва улардан фойдаланиш масалалари қучайтирилмоқда, сув объектларидан фойдаланиш шартлари аниқлаштирилмоқда, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда, шунингдек, ишга қабул қилинаётган шахс яқин қариндошларининг судланганлиги сабабли уни ишга қабул қилишнинг рад этиш тақиқла-ниши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари орасидан чет давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар тузиши назарда туғувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят ишларини ошқорла кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио ва видеоёзувга олишдан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоконференцалоқа режимда ўтказилиши мумкинлигини, шунингдек, суднинг қонуний қучга кирган қарорлари жиноят процесси иштирокчиларининг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкинлигини (бундан ёлқик суд мажлисларида кўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно) назарда туғувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун билан фермер ҳўжаликлари ташкил этиш механизми такомиллаштирилмоқда. Масалан, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига фермер ҳўжаликлари ташкил этиш механизми такомиллаштириши, ер участкалари тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларни рағбатлантириш тизимини, фермер ҳўжаликлари ҳуқуқларини янада кенгайтиришнинг ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келадиган муаммоларни ва қонун ҳужжатларидаги нуқсонларни барта-раф этишни назарда туғувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган тураржойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга муқобил энергия манбалари ўрнатилган оидан эътиборан ўз йил муддатга мулк солиғи ва ер солиғидан озод қилиш тарзида имтиёзлар бериш, ягона ижтимоий тўловни пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ ҳўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олиннадиган даромадларга нисбатан ҳисоблаб чиқармаслик, солиқ солинадиган базани туристик фаолият субъектлари учун — туристик хизматлари онлайн-бронлаштириш ва сотиш бўйича дастурий махсудотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммаси-

га қамайтириш, шунингдек, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари реестрига киритилган кундан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги махсудотини етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад турлари бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан беш йил муддатга озод этиш назарда тутилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги бир қатор қонунларни, шу жумладан, “Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисида шартномани (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, “Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, “Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тўққизинчи қўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, “Ислон ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини, “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш бўйича конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган қонунлар муҳокамалардан сўнг сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Омбудсманнинг 2017 йилдаги фаолияти давлат ва жамият фаолиятининг барча соҳасида тўб ислохотларни амалга ошириш, фуқароларнинг фаровон ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган вазифаларни бажаришга қаратилганлиги таъкидланди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига бина-он Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қадамлар қўйилди. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурлари ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳуқуқлари ва ваколатлари кенгайтирилди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, жамоат ташкилотларининг ва юридик шахсларнинг 9074 та мурожаати Омбудсман томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилди. Мазкур ишлар натижасида 34 киши ишга жойлаштирилди ва лавозимига қайта тикланди, 53 нафар оилага моддий ёрдам, 39 нафар фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди, 2319 миллион сўм давлат фойдасига, 263 миллион сўм мурожаат қилганлар фойдасига ўн-дирилди, тижорат ишларини ривожлантириш учун 133 миллион сўмлик кредитлар олишда кўмак берилди.

Омбудсман томонидан қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устидан парламент назоратини қучайтириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш яқунлари ҳақида парламент палаталарини вақти-вақти билан огоҳлантириб бориш механизми жорий этилди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадриятларни қамситувчи муомала ва жазо турларига йўл қўймаслик бўйича назорат-таҳлилий тадбирлари ташкил этиш ва олиб боришнинг қўшма ҳадвали тасдиқланди.

Сенаторлар ҳисоботни муҳокама қилиш давомида Омбудсман ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган тақдирлар ва тавсияларни билдирдилар.

Муҳокама яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.



Эксперт фикри

МУЗОКАРАЛАР УЧУН ЯНГИ ПЛАТФОРМА

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари:



— Тошкент конференцияси нафақат юртимиз ёки минтақа, балки глобал миқёсда катта аҳамиятга молик ҳодиса бўлди. Биз шу кунлардаги учрашувларда қайта-қайта таъкидладикки, Афғонистон муаммоси жаҳон ҳамжамиятини безовта қилаётган энг оғир моҳоролардан биридир. Ўзбекистонда мазкур долзарб масала ечимларига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтгани дунё сиёсий сахнасида хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Бу анжуман якунида Афғонистонда кўп йиллар мобайнида бораётган урушга чек қўйиш учун янги ёндашув, сиёсий усулларга оид қарор қабул қилингани ҳам алоҳида диққатга молик.

Тошкент декларацияси — афғон ечимини топишга қаратилган энг муҳим ҳужжатдир. 21 давлат, Марказий Осиё мамлакатлари, иккита йирик халқро таъкилот — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари имзо чекан бу ҳужжат бевосита афғон муаммоси ечимларини белгилаб берди.

Биринчидан, биз мазкур анжуманда барча жалб этилган кучлар томонидан яна бир бор “Толибон” ҳаракатига Тошкентдан даъват сифатида йўналтирдикки, томонлар олдиндан ҳеч қандай шартларсиз музокараларни бошлаши керак. Мана шу конференциянинг энг муҳим ютуқларидан биридир.

Иккинчидан, Президентимиз нутқида урғу берилганидек, афғон ечимини ҳал қилишда минтақавий ҳамкорликини кучайтириш долзарб саналади. Шу нуқтаи назардан, Тошкент конференциясида барча давлатнинг ягона ёндашуви таъминланди.

Учинчидан, афғон муаммосини ҳал этишда барча иштирокчи давлатларнинг тақдир ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, “Йўл харитаси” тайёрланиши белгиланди.

Яқин истиқболда бу масалани ижобий ҳал қилиш учун парламент дипломатиясини ҳам жорий этмоқчимиз. Ўйлайманки, мазкур ташаббус ҳам муҳим қадамлардан биридир.

Максуд ҚҲҲҲҲҲҲҲ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Қадимдан Амударёнинг икки қирғогида яшовчи ўзбек ҳамда афғон халқини бир-бирига яқин тил ва лаҳжа, дин ҳамда маънавий қадриятлар боғлаб турган. Ушбу азим дарё

икки мамлакатни маданий тамаддунлар чорраҳасида бирлаштириб, ўзаро савдо, илм-фан, маданий ҳамкорлигида кўпирки вазифасини ўтаган. Бугун ҳам Ўзбекистон ва Афғонистон ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга интиломда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик, айниқса, охириги бир йил ичида янги босқичга кўтарилди.

Халқро конференцияда нутқ сўзлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу юқори даражадаги анжуманининг ўтказилиши, амалий руҳдаги мулоқот ҳамда мунозаралар, шунингдек, якуний Тошкент декларациясининг қабул қилиниши Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалий жиҳатдан ижобий натижаларга эришиш имконини бериб, тинчлик жараёнининг ўзига хос “Йўл харитаси”га айланишини алоҳида таъкидлади. Халқро конференция моҳият эътиборига кўра, афғон муаммосининг энг муҳим жиҳатлари бўйича барча манфаатдор томонларнинг сиёсий иродаси ва ўзаро англашувини ўзида акс эттирадиган ҳужжат қабул қилинишида долзарб аҳамият кўзга эъти.

Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор:



— Афғон муаммоси деярли 40 йилдан бери давом этиб келаяпти ҳамда охириги пайтларда аҳвол анча оғирлашган бўлишига қарамадсан, афсуски, бу масала халқро ҳамжамият эътиборидан четда қолиб кетаётган эди. Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда бундай конференцияни ўтказиш жуда ўринли бўлди. Яна бир жиҳати, ушбу тадбирда катта делегациялар, энг муҳим саналган халқро ташкилотлар иштироки таъминланди. Бу Ўзбекистон дипломатиясининг катта ютуқларидан биридир. Шу пайтгача Афғонистондаги муаммонини ҳал қилишда, асосан, АҚШ ва Россия сингари давлатлар, НАТО тузилмаси катта таъсирга эга кўп сифатида ўрин олиб келган. Тошкент конференцияси эса бутун Марказий Осиё мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистоннинг халқро миқёсда катта қудратга эгаллиги, им-

кониятларни юзага чиқаришда пухта тажрибаси борлигини кўрсатди.

Шоазим МИНОВАРОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ислон цивилизацияси
маркази директори:

— Афғонистондаги вазиятдан, асосан, халқ азият чекапти. Шу пайтгача олиб борилган мулоқотларда халқ манфаати қайсибир маънода иккинчи даражага тушиб қолар эди. Тошкент анжумани ва Президентимизнинг нутқида кўтарилган масалалар моҳиятига эътибор қаратсак, аввало, оддий одамларнинг тинчлигини таъминлаш ғояси устувор ўрин тутганига ғувоҳ бўламиз.

Ҳирот ўз вақтида Самарқанд каби дунёнинг маънавий-маърифий ўчоқларидан бири бўлган. У ердан Камолитдин Бехзод, Биноий каби маърифатпарвар инсонлар етишиб чиққан. Афғон ҳунармандчилиги ҳам дунёда машҳур. Умуман олганда, афғон ўлкасида жуда катта маънавий-маърифий мерос мўжассам. Бизнинг Ислон цивилизацияси маркази ҳам мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, афғонистонлик шериклар билан айни шу йўналишда ҳамкорлик ишларини олиб борапти. Масалан, ҳозирги пайтда Мозори Шарифдаги ўзбек ҳунармандлари билан осориятикаларни тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордик.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий:



— Тошкент конференцияси, ҳақиқатан ҳам, жуда юксак савияда ўтказилди. Буни нафақат иштирокчи мамлакатлар, халқлар, шунингдек, мусулмон олами ҳам катта қувонч билан қабул қилди. Чунки бизнинг муқаддас

динимиз — маърифат дини, илм дини, тинчлик-осойишталик дини.

Афғонистонда мусулмонлар кўп ашайди. Ҳозир қарама-қаршилик қилиб турган тоифалар ҳам, ҳукумат ҳам барчаси мусулмонлардир. Шу нуқтаи назардан, бир диндаги инсонларнинг бир-бирлари билан қарама-

қаршилиқка бориши, буннинг оқибатида аҳоли, мўмин-мусулмонлар азият чекиши шариати-мизга мултоло тўғри келмайди.

Бу борада Қуръони каримда айтилганидек, Аллоҳ тооло бандаларига тинчликка киришишлари зарурлигини буюради. Бугун Ўзбекистон минтақа ёшларининг келажаги ҳақида ўйлапти. Конференцияда Афғонистон Президенти Мухаммад Ашраф Ғани ўз мамлакатда ақсарият йигит-қизлар таълим олиш имкониятидан маҳрум эканлигини айтиб ўтди. Бу бизни афғон халқининг тақдирини ҳақида ўйлашга ундайди. Албатта, бу борада Тошкент конференцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиз.

Шухрат ҒОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор:

— Фаолиятим давомида халқро терроризмининг илдири, омиллари ва манбалари бўйича изланишлар олиб бора-ман. Ҳозирги замон халқро терроризмин сиёсий асосини диний экстремизм, фанатизм ҳамда сепаратизм ташкил этмоқда. Сиёсий жиҳатдан у бутун дунёга ҳукмронлик қилиш курали сифатида намоён бўлса, ҳарбий жиҳатдан ана шу мақсадга эъраваонлик, куч билан эришишга қаратилган, учинчи — молиявий жиҳати унинг иқтисодий манбалари мавжуд уюшган транснационал террорчилик фаолияти билан бевосита боғлиқлигидир. Марказий Осиё минтақасида вуқудга келган мураккаб шариот, айниқса, халқро терроризм, сиёсий ва диний радикализм ҳамда экстремизмининг янги-янги йўналишлар ва тусларга қираётганлиги жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмай қўймайди.

Президентимиз анжуманда таъкидлаганидек, барча ташки кучлар афғон ҳукуматининг Афғонистонда хорижий террорчилик ташкилотларининг базаларини йўқ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-қувватлаши, ҳеч қандай фарқларга қарамадсан, терроризмни молиявий ҳамда моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг олдини олиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафқурига қарши кураш борасида ҳамisha принципиал позицияга эга бўлиб келган.

“Халқ сўзи” муҳбири
Омонулла ФАЙЗИЕВ
ёзиб олди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ (Ҳалқ сўзи) ва Халқро пресс-клуб суратларидан фойдаланилди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташири-фи чоғида Ўзбекистон Республикасининг чегараолди вилоятлари ҳокимлари ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг чегараолди вилоятларидаги ваколатли вакиллари кенгашини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматларга англашув меморандуми имзоланган эди. Мазкур кенгаш томонларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, доимий мониторинги ва таҳлилини олиб бориш, айниқса, чегараолди вилоятлар ўртасида муносабатларни мустақамлаш, турли тақдирлар ишлаб чиқиш ҳамда муаммоларни амалий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Йигилишда чегараолди хуудудлар ўртасида ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, савдо-иқтисодий, инвестициялар жалб этиш, туризм, маданий ва маърифий соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегара-расида фуқаролар учун шариотларни яхшилаш ва назорат-ўтказиш пунктлари сони кўпайтириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қисқа вақт ичида чегараолди вилоятлар ўртасида яхши қўшилиқ алоқалари йўлга қўйилди. Наврўз байрами арафасида Баткен вилояти делегацияси Фарғона вилоятига, Жалолобод вилояти делегацияси Наманган вилоятига келди. Ўш шаҳридан эса Андижон шаҳрига дўстлик сафари ташкил этилди. Иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар янада мустақамланди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

Сайёра БАРАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитасида
доимий асосда ишловчи сенатор:

Мамлакатимизда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилиши натижа-сида уй-жой фондидан фойдаланиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш бўйича самарали ва сифатли янги тизим шакллантирилди. Айни пайтда республикаимизда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида 157 минг нафардан ортққ ходим ва хизматчилар фаолият кўрсатмоқда. Албатта, ҳар бир касбнинг мураккаблиги ҳамда ўзига хослиги бор. Бинобарин, юртимизда касб-мехнат ютуқларини ҳурмат қилиш ва турли соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатини рағбатлантириш, шарафлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Муайян соҳа ва касблар ходимларининг касб байрамлари ҳам нишонланади. Эндилдиқда улар сафига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари қуни ҳам қўшилиши кўзда тутилмоқда.

Максуда БАРИСОВА,
Тошкент вилоятининг Зангнота
туғанидаги оилавий поликлиника
мудри, сенатор:

— “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатларини қулайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан судтергов фаолиятини янада либераллаштириш, унинг инсонпарварлик таъминларидаги мослигини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда.

Хусусан, ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячининг далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилди. Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кеңириштириш, тинтув, қўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов экспериментини видеоёзда тарзида маъбурий қайд этиш тўғрисидаги, шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида стенография юритиш ҳақидаги талаблар киритилмоқда. Қонунга хилоф усуллар орқали ёки процесс иштирокчиларини қонун билан қафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёхуд уларни чеклаш йўли билан олинган далиллардан фойдаланишни таққилловчи қонда белгиланаяпти.

Қисқача айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг шаъни ҳамда қадр-қўмматини камситилишига йўл қўймасликка, шунингдек, суд ва тергов органларининг масъулиятини қулайтиришга, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга бўлган ишончини оширишга ҳуқуқий асос бўлади.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

ШИДДАТЛИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, пойтахтимизда парламент юқори палатасининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатда кечаётган шиддатли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, одамлар турмуш даражасини юксалтириш, иқтисодиётни либераллаштириш бўйича таъсирчан чораларни жорий этиш, минтақавий ва халқро ҳамкорлиқнинг шартномавий асосларини кучайтиришга доир масалалар кўриб чиқилаяпти. Муҳбиримиз кун тартибига киритилган масалаларнинг аҳамияти ҳақида сенаторлар фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Гавҳар АЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан,
таълим, маданият ва
спорт масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари:

— Шу кунларда юртимизда қутлуг айём — Шарқона янги йил бўлиши Наврўз шукҳуни кезиб юрибди. Бу дилбар фаслга ҳаммаонгликда жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб бормоқда. Унга мос равишда бутун халқимиз ҳам катта куч-ғайрат, қатъий ишонч билан ишга киришди, десак, асло муболоға эмас. Бугун чин маънода Ўзбекистонда ўзига хос уюғиниш даври бошланди. Ёнг муҳими, давлатимизнинг янги мазмун ва моҳият билан бойитилган сиёсати, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотлар халқимиз томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳоли кундалик турмушида яққол акс этмоқда, аҳамиятлиси, одамларнинг ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, жамиятимиздаги бундай ҳаётбахш ислохотлар замирида тараққиётимизнинг янги босқичи учун ривожланиш стратегияси ва давлат бошқарувидаги устувор тамойилларнинг тўғри ва оқилона танлангани мўжассам. Айниқса, халқ билан мулоқот давлат органлари фаолиятида асосий мезонга айлانган мавжуд муаммо ва долзарб масалаларни самарали ҳал этишнинг муҳим омилли бўлмоқда.

Ҳар ишда қонунчилик ва адолат устуворлигини таъминлаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг нафақат минтақа, балки бутун дунёда салоҳиятли қиёфада ва том маънодаги демократик давлат сифатида намоён бўлишини таъминлаяпти. Ёнг муҳими, қўпчилик давлатлар журъат қила олмайдиган, маълум маънода, таваккалчиликни, ҳатто хавф-хатарлар эҳтимолини ҳисобга олишни тақозо этадиган дадил қадамлар юртимиз учун фақат хайрли келмоқда. Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ушбу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришни кўзлагани билан аҳамиятлидир.

Зайниддин НИЗОМҲҲҲҲҲ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан,
таълим, маданият ва
спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Юртимиз тараққиётининг бугунги босқичи жадаллиги ва қўлами билан тарихий аҳамият касб этмоқда. Бу йўлда фаоллик ва фидоийлик кўрсатаётган шахсларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш кўзланган мақсадлар рўёбига хизмат қилади. Бинобарин, мамлакатимизда 50 дан ортққ давлат муқофотлари, шу жумладан, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, 34 та фахрий унвон, 10 дан ортққ ордени ва медаллар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи таъсис этилган. Утган йиллар мобайнида кўплаб фидойи фуқароларимиз ушбу давлат муқофотлари билан тақдирланишди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил июль ойидаги қарори билан геральдика соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Президент ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси давлат муқофотлари ва геральдика бўйича комиссия ташкил этилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қатор вазифалар қўйилди.

Таъкидлаш ўринлики, амалдаги “Давлат муқофотлари тўғрисида”ги Қонунда давлат муқофотлари тушунчаси ва турлари, уларни топириш, тақиб юриш, қаслаш ва шу каби бошқа муҳим жиҳатлар тўлалигича тартибга солинмаган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда давлат муқофотлари таърифлари кенгайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл давлат муқофотлари билан, шунингдек, чет эл давлатларининг маъмурий-хуудий бирликлари ва юридик шахслари Ўзбекистон давлат муқофотлари билан тақдирланиши мумкинлигини белгилловчи норма-лар билан тўлдирилаяпти.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масала-
лари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Сенаторлар ялпи мажлисида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун муҳокамасига алоҳида эътибор қаратишди. Боиси, жамоатчилик назорати демократия ва халқ ҳокимиятчилигининг

муҳим институти ҳисобланиб, у давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади. Чунки жамоатчилик назорати фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали иш-лашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш билан бирга, уни ҳимоялашга даъват этади, давлат тузилмаларининг тақомиллашу-вини таъминлайди. Бу эса пировардда жамоатчилик назорати орқали давлат органлари мансабдор шахслари жаовбарлиги ва масъулиятини оширишга хизмат қилади. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назорати борасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирих-лаштириш ҳамда ягона тизимлаштирил-ган таянч қонунни қабул қилишга, жамоатчилик назорати масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлариди-ги мавжуд “ҳуқуқий бўлиқлар”ни барпараф этишга эҳтиёж мавжуд эди. Янги Қонун ана шу эзгу мақсадлар рўёбига, жумла-дан, соҳанинг яхлит ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим ўрин тутди.

Мухамет ДЖУМАҒАЛДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитаси раиси:

— Шунга қайд этиш керакки, давлат харидлари тизимида аҳолиот-коммуни-кация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда тадбиркорлар учун электрон харид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самара бермоқда. Мамлакатимизда бу муҳим механиз-мининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, соҳага оид 30 дан ортққ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунга қарамай, давлат хариди қонунчили-ги ҳамда тизимининг бугунги ҳолати ва асосий йўналишлари, электрон давлат харидининг ушбу жараёндаги шафдоф-лик ҳамда самарадорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт

